

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

ШАКАР АХАДОВ

“ИЖТИМОЙ ФАНЛАР” КАФЕДРАСИНИНГ

**40 ЙИЛЛИК
таърихи**

(«Тарихий очерк»)

(1966-2006)



– 2007

Ушбу рисола Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд Архитектура – Қурилиш институти таркибида ташкил топган, шакилланиб, ривожланиб ва тараққий этиб 40-йиллик тарихий тараққиёт йўлини босиб ўтган “Ижтимоий фанлар” кафедраси профессор-ўқитувчиларининг илмий-тадқиқот, илмий-услубий ва таълим-тарбиявий фаолиятига бағишланади.

Маъсул муҳаррир: доцент Б.С.Қаршиев

Тақризчилар: доцент С.С.Норов
 доцент А.И.Сафаров

Ушбу тарихий очерк институт Илмий Кенгашида 2006 йил 31-август 1-сон мажлисида муҳокама қилиниб, нашрга тавсия этилган.

КИРИШ

Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд Давлат Архитектура – Курилиш институти таркибидаги “Ижтимоий фанлар” кафедрасининг профессор-ўқитувчилари ва техник ходимларининг 40-йиллик тарихий йўли, меҳнат фаолияти, илмий-педагогиклик салоҳияти ҳақида фикр ва мулоҳаза юритар эканмиз, ҳақиқатда кафедра аъзолари жанговор, зафарли ва машаққатли тарихий йўлини босиб ўтганлигининг гувоҳи бўламиз. Кафедра жамоасининг босиб ўтган 40-йиллик тарихий йўли осон кечмасдан, қанчадан-қанча қийинчиликлар, оғир ва мураккаб, сўқмоқли тўсиқлар, машаққатли меҳнат фаолияти жараёнлари, мутахассис кадрлар етишмаслиги, миллий тилда ўқув адабиётлар билан таъмин этиш қийинчиликлари, таълим-тарбиядаги илмий, услубий бўшлиқлар, ўқув жараёнида техник-технологик ўқув курули воситаларининг камчилиги, кафедра таркибидаги узлуксиз структуравий ўзгаришлар ва ҳоказолар сабабли юз берган салбий жараёнларга чек қўйилиб, ҳалқимиз фарзандлари – ўғил-қизларини юксак маънавиятли, Ватанга, ҳалқга садоқатли мутахассис кадрлар қилиб тарбиялашдек вазифани бажариб, Ватанимизга минглаб ғоявий мустаҳкам, ватанпарвар, билимдон кадрларни тарбиялаб, етиштириб беришда ўзларининг муносиб хиссаларини қўшдилар.

“Ижтимоий фанлар” кафедраси жамоасининг шонли тарихий йўли СамДАҚИ тарихий тараққиётининг 40-йиллик тарихий ривожланишининг турли хил ўзига хос тарихий босқичларида, яъни институтнинг ташкил топиб шакилланиш, қисман тушқинликдан янада тараққий этиб ривожланиш, турғунлик, мустақиллик йўлларида ташкилий, структуравий ва ихтисосликлар жиҳатидан кенгайиш йилларида жиддий сифат жиҳатидан ўзгаришларини амалга оширишда институт билан унинг таркибида ижтимоий-гуманитар блоки кафедралари сафида тарихий мураккаб фаолият йўлини босиб ўтди.

Кафедра аъзолари талаба ёшларни маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий ва ғоявий-мафкуравий жиҳатдан юксак билимли, маънавий баркамол, рақобатбардош мутахассис кадрлар қилиб таёрлашда меҳнат қилиб, илмий жиҳатдан самарали, таълим-тарбия ва педагогик соҳасида салоҳиятли фаолият кўрсатдилар.

Ушбу рисолада ана шу соҳалар бўйича фикр юритилиб кафедранинг ва кафедра профессор-ўқитувчиларининг 40-йиллик тарихига қисқача объектив равишда, тарихий воқеалар, хужжатлар ва маълумотлар асосида мулоҳаза, хулосалар қилиниб ёзилишлигига ҳаракат қилинди. Қисман хато-камчиликлар бўлса олдиндан ўқувчи ва маъсул шахслардан узр сўрайман.

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРИ КАФЕДРАЛАРИ

Ижтимоий-гуманитар фанлари кафедралари бевосита Саматрканд Давлат Архитектура – Курилиш институти билан бир вақтда, айрим

кафедралари, Партия тарихи, сиёсий иқтисод ва фалсафа, илмий коммунизм кафедралари битта ном билан яъни, «Ижтимоий фанлар» номи билан ўз фаолоиятларини бошлаган эдилар. Бу кафедраларнинг асосий вазифаси талаба ёшларни жамият тараққиёти руҳида объектив тараққиёт қонуниятлари, ғоявий етуклик, инсонпарварлик, патриотизм, ватанга садоқат, байналминалчилик руҳида тарбиялашни асосий мақсад ва вазифа қилиб олган эдилар. Фалсафий онгни, ижтимоий тафаккурни ривожлантириш асосида талаба ёшларга матереалистик дунёқараш, фанларни чуқур ўрганиш, жамият тараққиёт қонун, қонуниятларини атрофлича ўзлаштириб олишга ўргатиш асосий вазифа қилиб, бундан ташқари ижтимоий фанларга талабаларнинг қизиқишини ошириш услубларидан фойдаланишни ҳам асосий вазифа қилиб олган эдилар. Халқаро тараққиётни ҳам ўрганишга талаба ёшлар эътиборини қаратишга ҳаракат қилар эдилар. Талабаларга ўтиладиган предметлар бўйича маъруза матнларини тайёрлаш, дарслик ва ўқув қўлланмалари билан таъминлаш, аудитория ва ўқув кабинетларини кўрғазмалар қуроллар билан жихозлаш, ўқув машғулотлари жараёнида деофильмлардан, картина ва плакатлардан, схема ва диаграмма, дискетлардан ўринли фойдаланишни ташкил қилиш билан жамият ижтимоий-сиёсий тараққиётини чуқур ўргатиш, илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, унинг натижаларини дарс машғулотларида предметлар мавзулари билан боғлаб олиб боришга ҳаракат қилганлар. Улар жамият ижтимоий-сиёсий тараққиёти муаммолари, жамиятнинг маънавий эҳтиёжлари, халқ хўжалигининг турли хил тармоқлари иқтисодиёти муаммоларига боғлаб институтнинг ташкил топиши ва шаклланиши йилларида 3 та монография, 100 дан зиёд илмий мақолаларни ёзиб чоп эттиришга муваффақ бўлдилар. Улар нафақат талаба ёшлар ўртасида, балки меҳнат аҳлининг Самарқанд шаҳар ва вилоят аҳли ўртасида маънавий-маърифий ғоявий руҳда кенг кўламда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борганлар, тадбирлар ўтказганлар. Улар келажакда ҳам ўқув-педагогик, илмий-методик, ғоявий-назарий ишларнинг савиясини кўтариш ижтимоий фанларни талабалар онгига сингдиришнинг оригинал услубларидан фойдаланиш йўлларини кўрсатиб кетганлар. Мутахассис инженер кадрлар тарбиялаб вояга етказишнинг намунавий услубларини янада кенгроқ фойдаланишни такомиллаштиришга асосланган ижтимоий фанларнинг аҳамияти, роли ва ўрнини илмий – назарий жихатдан таҳлил қилиб берганлар. Бу соҳада самарали фаолият кўрсатганлардан тарих фанлари доктори, профессор Фарид Зокирович Салоҳиддинов (мархум), тарих фанлари номзоди, доцент Пўлат Саидович Саидов (мархум), иқтисод фанлари номзоди, доцент Одил Эрназарович Қодирқулов (ҳозир нафақада), иқтисод фанлари номзоди доцент Ш.Р.Рўзметовлар ана шундай ижтимоий фанларнинг ролини оширишда, бу фанларни талабалар онгига чуқурроқ сингдириб, бу фанларга талабалар қизиқишини оширишда самарали меҳнат қилганлар.

Кейинги йилларда, айниқса институтнинг шаклланиб ривожланиш йилларида бу кафедралар алоҳида-алоҳида мустақил фаолият

кўрсатганлар. Шу сабабли бу кафедраларнинг фаолиятларига алоҳида-алоҳида тўхталиб ўтамиз:

Ижтимоий фанлар:

1) «Иқтисодиёт назарияси (Сиёсий иқтисод)» кафедраси ҳам ижтимоий фанлар таркибида 1966-1969 йилларда шаклланди ва 1969 йилда мустақил кафедра бўлиб ташкил топди. Кафедранинг номи «Сиёсий иқтисод ва фалсафа» деб аталди. 1972 йилда «Фалсафа» ажралиб алоҳида «Фалсафа ва илмий коммунизм» деб номланди ва «Сиёсий иқтисод» номи билан кафедра тарзида ташкил топади, шаклланиб янада ривожланади ва шу ном билан Ўзбекистон Мустақиллигини қўлга киритгунга қадар фаолият кўрсатади. Мустақиллигимиз туфайли бу кафедранинг номи ўзгариб «Иқтисодиёт назарияси» кафедраси деб аталади ва шу ном билан то 1999 йилгача фаолият кўрсатади, кейин эса «Социология ва маданиятшунослик» кафедраси билан бирлашиб «Социология ва иқтисодий назария» кафедраси номи билан ташкил топиб илмий-услубий, илмий-тадқиқот ва маънавий-маърифий ишларини фаол ва самарали олиб борадилар. Кафедра аъзолари ўтган йиллар давомида «Иқтисодиёт назарияси» номи билан самарали меҳнат қилиб ўқув жараёнида бир қатор ютуқ ва муваффақиятларни қўлга киритдилар. Кафедра таркибий жихатидан салоҳиятли кадрлар билан мустахкам-ланади. Кафедрада малакали, билимдон, илмий даражали, педагогик стажга эга бўлган, дарс беришнинг, талабаларни предметлардан билим олишга қизиқтира оладиган, замонавий услуб ва услубиятлардан хабардор кадрлар тўпланган эди.

Кафедрада Кооператив институтга ишга кетгунга қадар кафедра мудири бўлиб ишлаган иқтисод фанлари номзоди, доцент, ажойиб педагог О.Э.Қодиркулов, доцент Ш.Р.Рўзметов, 1978 йилдан то 1986 йилгача кафедра мудири бўлиб ишлаган, СамДАҚИда иқтисод фанлари доктори бўлган, профессор Э.А.Аликулов, у кейин 1986 йилда Кооператив институтга ректор бўлиб тайинланади. Ундан кейин эса 1986-1988 йилларда доцент В.В.Кан мудирлик қилди. 1988 йилдан то 1999 йилгача кафедрани талантили иқтисодчи олим, мохир ташкилотчи, ажойиб инсон доцент Б.С.Қаршиев бошқаради. Шу йиллар ичида кафедрада фаол хизмат қилган ажойиб иқтисодчи олим Н.К.Созыкин (у 2004 йилда Украинага кўчиб кетди ва 2006 йилнинг баҳорида вафот этди), доцент К.Ю.Йулдошев (нафақада), ёш иқтисодчи олим Д.И.Йулдошев (hozир АКШ да), иқтисодчи ёш олим, доцент О.Х.Ҳамрокулова (у hozир Самарқанд Савдо ва Сервис институтида ишламоқда), ажойиб иқтисодчи олим, доцент Ш.Э.Эралиев (мархум), доцент Ю.Хўжаев, доцент С.Аликулов, доцент М.Маллаев, катта ўқитувчи М.С.Шомуродова, ўқитувчи М.Р.Назаров, аспирантурани тугатиб ишга келган ёш иқтисодчи Г.Ш.Ахадов ва бошқалар турли йилларда ва айримлари hozирги кунгача илмий педагогик фаолиятларини давом эттириб, хизмат қилдилар ва хизматларини давом эттирмоқдалар.

Кафедра хаётида ўтган йиллар давомида жиддий ўзгаришлар, яъни сифат ва сон жихатидан юз берди. Агарда 1969 йилда кафедрада 6 та иқтисодчи бўлиб. Улардан биттаси фан номзоди, доцент (О.Э.Қодиркулов) бўлган бўлса, кейинги институт ривожланиш ва янада тараққий этган йилларида кафедрада 12 та иқтисодчи бўлган бўлса, улардан 8 та иқтисод фанлари номзоди, шулардан 7 таси доцентлар эди. Улардан 1-та фан номзоди катта ўқитувчи, 4-таси ўқитувчилар эди. Ўтган йиллар давомида ўқув – методик ишлар йил сайин такомиллашиб боради, талабаларга иқтисодий билимлар беришнинг замонавий намунали услубларини ўзлаштириб олишга эришадилар, талабалар билан ишлашнинг самарали йўлларида фойдаланишга ҳаракат қилганлар. Натижада йилдан йилга қарздор талабалар сони тобора камайиб борган. Бу соҳада кафедра фаолият кўрсатаётган ўқув-методик секция ва ўқув-методик семинарларнинг узлуксиз ўтказилиб туриши муҳим амалий аҳамиятга эга бўлган. Кафедра предметлар бўйича маъруза матнлари узлуксиз тайёрланиб, янгиланиб турилган, ўқув ва услубий қўлланмалар, кўрсатмалар тайёрланиб чоп этилиб турган. Кафедрада ўтган йиллар давомида то 1998 йилгача қарийб 70 дан зиёд методик кўрсатмалар, тавсияномалар тайёрланиб чоп этилган. Шунинг ҳам таъкидлаш лозимки, ўтган йиллар ичида «Сиёсий иқтисод» предметидан дарс беришнинг дастурлари бир неча марта ўзгартирилган. Албатта «Сиёсий иқтисод» предметидан дарс бериш программасининг ҳар бир ўзгаришида мавзулар бўйича янги-янги маъруза матнларини тайёрлаш талаб қилинар ва бажарилар эди. Хатто айрим йиллар бўлдики ўқув дастурини кафедра томонидан тўзилиб дарс ўтган маъруза ва семинар машғулотларини олиб борган йиллар ҳам бўлди. Кафедра аъзолари томонидан биринчи марта «КИСИ» ва «Эврика» машиналари орқали программалашган талабалар билимини аниқлаш, назорат қилиш услубларидан фойдаланилган.

Ўтган йиллар давомида кафедрада илмий-тадқиқот ишлари ниҳоятда самарали бўлди десак хато ва муҳолафа бўлмайди. Чунки шу йиллар ичида кафедрада 1 та докторлик ва 9 та номзодлик диссертацияси ёқланди. Шу йиллар ичида кафедра аъзоларининг 2 та монографияси, 3 та илмий тўплам ва 350 та илмий мақолалари чоп этилди. Албатта бу ишлар катта ютуқ бўлиб, унда кафедра мудирларининг, айниқса доцент Б.С.Қаршиевнинг хизматлари катта бўлди. Ундан ташқари кафедра аъзолари илмий-тадқиқот ишларининг йиллик натижаларини илмий семинарларда, илмий кенгашларда, олий ўқув юртлараро, Республика ва Бутуниттифок (собик СССР даврида) конференцияларида чиқишлар, маърузалар қилдилар, материаллари илмий тўпламларда чоп этилиб борилган.

Ҳозирги кунда кафедра аъзолари «Ўзбекистон Республикасининг бозор иқтисодиётига ўтиш проблемалари» мавзуи бўйича Мустақиллик йилларида илмий-тадқиқот ишларини олиб борганлар ва олиб бормоқдалар, яхши натижаларга эришиб, бир қатор илмий мақолалар тайёлаб чоп этганлар. Бу кафедра «Социология ва фалсафа» кафедраси билан бирлашгунга қадар ўз фаолиятларини давом этганлар ва ҳозиргача давом этдирмоқдалар.

2) «Фалсафа» («Фалсафа ва илмий коммунизм») кафедраси. «Ижтимоий фанлар» кафедраси таркибидан 1972 йилда ажралиб, «Фалсафа» («Фалсафа ва илмий коммунизм») кафедраси номи билан мустақил кафедра бўлиб ташкил топади. Унинг биринчи мудирлари тарих фанлари доктори Ф.З.Салоҳиддинов тайинланади. Кейинроқ Н.Ғ.Ғафуров кафедра мудирлари бўлади. Кейин эса доцент С.Содиқов мудир бўлиб ишлайди. 1978 йилдан эса «Философия» («Марксистско - Ленинская философия») номи билан мустақил кафедра бўлиб, «Илмий коммунизм» алоҳида кафедра бўлиб ажралиб чиқади. «Фалсафа» кафедрасига Жиззах Педагогика институтидан келган фалсафа фанлари номзоди, доцент З.У.Зубайдуллаев мудир бўлиб сайланади. Унинг вафотидан кейин кафедра мудирлигига доцент И.Кулмурадов, ундан кейин то 1990 йил бошигача Д.З.Толипов, 1990 йил май ойидан бошлаб то 1996 йил июлигача доцент С.Н.Норов кафедра мудирлари бўлиб ишлайди. 1996 йил августидан эса «Фалсафа» кафедраси «Социология ва маданиятшунослик» кафедраси билан бирлашиб «Фалсафа ва социология» кафедраси деб аталади. 2002 йил августидан яна бу кафедрадан ажралиб алоҳида «Фалсафа» кафедраси номи билан мустақил фаолият юргиза бошлайди. Бу даврда кафедрага ф.ф.н. доцент А.Б. Мухаммадиев мудирлик қилди. 2005 йил августидан институтнинг структуравий таркибида жиддий ўзгаришлар юз берганлиги сабабли «Фалсафа» кафедраси 2005 йил 4 августда бўлиб ўтган институт илмий кенгаши қарори билан яна «Социология ва иқтисодиёт назарияси» кафедрасига қўшилади ва аввалги уччала кафедра яна бирлашиб «Ижтимоий фанлар» кафедраси номи билан аталади ва бу кафедра ҳақидаги тафсилотга алоҳида тўхталиб ўтилади.

«Фалсафа» кафедраси ҳаётий фаолияти жараёнида ана шундай юқорида таъкидланганидек ўзгаришлар бўлиб ўтади, аммо кафедра таркиби ўз холича қолаверади ва илмий-педагогик фаолиятини давом эттиравериш, кафедранинг қисман бўлса-да ўқув-методик, илмий ва маънавий-маърифий, кадрлар масалаларида ўзгаришлар, қисман бўлса-да кафедра таркибида сон ва сифат жиҳатидан намунали кўринишлар бўлиб туради. Кафедра таркиби институт ривожланиш йилларида янги файласуф кадрлар билан тулдирилади. Кафедрага фан номзодлари, доцентлар – М.С.Савуров, С.Н.Норов, Д.Х.Бердиярова, Ш.И.Ибрагимов, Д.З.Толипов (мархум), З.У.Зубайдуллаев (мархум), А.И.Сафаров, А.Б. Мухаммадиев, Э.Кулмурадов, ўқитувчилардан М.М.Астонова, С.А.Очилова, кабинет мудирлигига М.А.Мардонкуловлар ишга келиб қўшиладилар ва фаолият кўрсатадилар. Ўша йиллари кафедра «Фалсафа», «Эстетика», «Этика», «Дин тарихи», «Жаҳон ва Ватан маданияти тарихи», кейинроқ эса «Мантук» (Логика) предметларидан дарс машғулотларини олиб борилган. Мустақиллик йилларида эса кафедрага яна янги предметлар «Миллий истиқлол ғояси», «Дин тарихи» ўрнига «Диншунослик», «Фаннинг фалсафий методологияси» (аспирант ва магистрлар учун) ва бошқа махсус курслар билан кенгайтирилади. Кафедра аъзоларининг сон ва сифат жиҳатидан ўзгаришлилиги кафедрада олиб борилаётган ўқув –услугий қўлланмалар, кўрсатмалар ва илмий-тадқиқот ишларининг олиниб

борилишлигида ижобий натижаларга эришишлигига сабаб бўлади. Натижада кафедра аъзолари илмий изланишларининг натижалари сифатида илмий ва илмий-методик ишлари маҳаллий ва марказий нашриётларда чоп этила боради. Мустақиллик йилларида кафедра таркибида қисман ўзгаришлар бўлиб, 9 та ўқитувчи, улардан 6 таси илмий даражага эга бўлиб, улардан 5 таси (С.Н.Норов, М.С.Савуров, А.И.Сафаров, А.Б.Мухаммадиев, Д.Х.Бердиёрова) доцент, қолганлари эса ўқитувчилик лавозимида илмий-педагоглик фаолиятини давом эттириб, мамалакатимиз бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг фалсафий муаммолари устида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориб, янги ижтимоий-иқтисодий тизим шароитида ижтимоий ва ишлаб чиқариш муносабатлари шаклининг ўзига хос фалсафий характерини аниқлаш муаммолари устида илмий изланишлар олиб бордилар. Ижтимоий онгнинг янги, диалектик тафаккурнинг Мустақиллик, миллий ғоя тарзида шаклланиб бораётганлигини таҳлил қилишга ҳаракат қилдилар, қисман реал натижаларга ҳам эришдилар. Шу билан бир қаторда янги диалектик онг ва тафаккурнинг ўқув жараёнига, ўқитиладиган предметлар орқали ёш талабалар онгига сингдириш борасида илмий-услубий, ўқув-услубий ишларни, илмий тадқиқот ишлари билан боғлаб, уйғунлаштирилган ҳолда ўтган йиллар мобайнида кўплаб илмий, илмий-услубий ишларни чоп этишга ҳам муваффақ бўлдилар. Кафедра аъзолари қарийб 50 дан ортиқ 90 б\т.ли методик кўлланма, кўрсатмаларни, қарийб 115 дан зиёд, 140 б\т мақолаларни чоп этказдилар. Шу жумладан доцент М.С.Савуровнинг «Ўзбекистон меҳнаткашлари эстетик маданиятининг шаклланиши» мавзусидаги монографияси, 1990 йил; доцент С.Н.Норовнинг «Илмий техника прогресси ва омманинг ижодий фаолияти» 1991 йил, каби ишлари чоп этилади. Ундан ташқари кафедрада талантли, қобилиятли талабаларни ўз таркибига олган «Эътикод» клуби (ҳатто ҳозирги кунда ҳам фаолият кўрсатмоқда) фаолияти, кафедрада фанни чуқур ўрганиш методик секция фаолиятлари нафақат талаба ёшлар ўртасида, балки профессор-ўқитувчиларда ҳам жиддий қизиқиш ўйғотишга, фалсафанинг долзарб муаммоларини ўрганиб мулоҳаза, мунозара қилишга сабаб бўлиб, кутилган натижаларни қўлга киритдилар, талабаларнинг фанларга қизиқишининг ошиб боришига сабаб бўлдилар.

Умуман олганда кафедра аъзоларининг олиб бораётган илмий, илмий-методик, маънавий–маърифий ишларидан кўтиладиган асосий мақсад талаба ёшларни билимли, маданиятли, маънавий баркамол, тарбияланган кадрлар қилиб чиқаришдан, долзарб илмий муаммоларни атрофлича ўрганиб фалсафий хулосалар чиқариб миллий мустақиллигимизни мустаҳкамлашда бирон фойдаси тегиб Ватан олдидаги бурч ва маъсулият, мақсад ва вазифаларни бажариб, ўз хиссаларини қўшиш истагида ҳозирги кунда ҳам фаолият кўрсатмоқдалар.

3) («Илмий коммунизм») – «Ижтимоий сиёсий муносабатлар назарияси» кафедраси. Бу кафедра дастлаб 1978 йилда «Фалсафа ва илмий коммунизм» кафедрасидан ажралиб мустақил «Илмий коммунизм» номи билан кафедра ташкил этилди. Кафедрага биринчи мудир эдибу шу

кафедрани ташкил этган, Самарқанд Кооператив институтидан таклиф этилган, тарих фанлари номзоди, доцент Ш.А.Ахадов сайланади. У кафедра мудирини бўлиб 1980 йил январигача ишлаб, СамДАҚИ партия қўмитасига сайланиб, мустақил партком секретари бўлганлиги сабабли кафедра мудирлигини топшириб, унинг ўрнига Самарқанд Кооператив институтидан тарих фанлари номзоди, доцент О.Х.Хақимовани ишга таклиф қилинади ва у «Илмий коммунизм» кафедрасига мудир этиб тайинланади. Бу лавозимда ўзок йиллар то Ўзбекистон миллий Мустақиллигини қўлга киритган йилгача ишлайди. Миллий Мустақиллик туфайли «Илмий коммунизм» кафедраси номи ўзгартирилиб, «Ижтимоий – сиёсий муносабатлар назарияси» номи кафедрасига айлантирилади ва мудирини сифатида доцент О.Х.Хақимованинг ўзи қолаверади. Собик биринчи кафедра мудирини, доцент Ш.А.Ахадов институт партия комитети секретарлигидан 1984 йил 24 мартда бўшатиладиган сўнг у шу кафедрасида доцентлик лавозимига қайта сайланиб илмий-тадқиқот ишларини давом этказиб, 1991 йил 19 ноябрда Ўзбекистон Фанлар Академияси Тарих институти Ихтисослашган Илмий Кенгашида докторлик диссертациясини муваффақиятли ёқлагандан кейин, уни 1992 йил сентябридан «Ўзбекистон халқлари тарихи» кафедрасига профессорлик лавозимига ўтказилади ва бу лавозимда 1994 йил январигача фаолият кўрсатади. Бу жой кимгадир мақул бўлмаганлиги сабаб бўлган бўлса керак, янги кафедра сифатида собик «Ижтимоий-сиёсий муносабатлар назарияси» кафедраси номи ўзгартирилиб «Социология ва маданиятшунослик» кафедраси номи билан тарих фанлари доктори, кафедра профессори Ш.А.Ахадовни 1994 йил 3 январидан кафедра мудирлигига тайинлайди ва 1994 йил 1 сентябридан ушбу кафедра мудирлигига сайланади. Умуман олганда кафедра номи узлуксиз ўзгариб борса-да, унинг таркиби аввалги ҳолатида сақланиб қолаверди, фақат профессор Ш.А.Ахадов «Ўзбекистон халқлари тарихи» кафедрасидан «Социология ва маданиятшунослик» кафедрасига ўтказилган бўлса-да, у то 1992 йил сентябригача собик кафедра доценти бўлиб ишлаган эди. Шундай қилиб ушбу кафедранинг 1978 йилдан то 1994 йилгача бўлган таркиби (турли йилларда қисман ўзгаришлар бўлган бўлиши керак) қуйидагича эди. Дастлаб кафедра мудирини, доцент Ш.А.Ахадов, кейин 1980 йил январидан доцент О.Х.Хақимова сайланади, кафедра аъзолари – доцент А.Р.Рўзимуродов (мархум), доцент М.А.Негматова, доцент И.Х.Хайитметов, катта ўқитувчи Э.Н.Наханов (мархум), катта ўқитувчи Н.А.Бобокандов, ўқитувчилар М.Б.Буриев, Н.А.Шипкова, Р.Пулатов, Т.М.Абдуллаев, доцент А.А.Хусаинова, доцент Д.И.Салоҳиддинова (кафедрасида 1995 йил январидан докторантурага ўқишга юборилади ва докторлик диссертациясини ёқлаб СамДУга ишга ўтиб кетади), доцент М.Г.Ҳамдамов, ўқитувчи М.Б.Худоярова, Р.Бобохонова, М.Эгамова ва бошқалар кафедрасида турли йилларда ишласада таркибинини мустахкамлашда, кафедрасидаги ўқитиладиган предметлар бўйича ўқув жараёнини ўқув қуроллари, ўқув-услубий қўлланмалари, кўргазмалар қуроллари билан ва диофильм, дискета, кинофильмлар, турли плакатлар, диаграммалар, схемалар билан аудитория

ва ўқув кабинетини жихозлаб, таъмин этишда, предметлар бўйича маъруза матнлари, зарурий ва қўшимча адабиётлар билан таъминлашда катта ишларни амалга оширдилар, самарали меҳнат қилиб фанлар бўйича талабаларга тушунтиришнинг оддий, оригинал услубларидан фойдаланишда, талабаларнинг фанларга қизиқишини оширишда турли услубларни қўллашдан чарчашни билмадилар, ахиллик, ўзаро хурмат, ўзаро ёрдам принципига катъий риоя қилдилар, бошқа ижтимоий кафедра аъзоларига ўзларининг кимлигини кўрсатишга муваффақ бўлдилар.

Кафедра аъзолари илмий тадқиқот ва илмий-услубий ишларни ўзлксиз давом эттирдилар. Айниқса кафедра жамиятнинг ижтимоий-сиёсий структурасини ўрганиш ва социал муносабатларни такомиллаштириш муаммолари устида илмий-тадқиқот ишларини давом эттирдилар. Натижада кафедра аъзолари ўтган йиллар давомида 5 та монография (Ш.А.Ахадов), 4 та ўқув-услубий қўлланма (Ш.А.Ахадов, М.Негматова, Т.М.Абдуллаев), 100 га яқин илмий мақолаларни чоп эттирдилар. Кафедрада рухий мухит ва ишчанлик кайфияти аъло даражада эди. Аммо яна бу ютуқлар кимларнидир безовта қилганлиги сабаб бўлган бўлса керак, 1996 йил августида «Социология ва маданиятшунослик» кафедраси билан «Фалсафа» кафедрасини сунъий равишда, иккала кафедра жамоалари билан маслахатлашиб фикрларини сўрамасдан бирлаштирадилар, «Фалсафа ва социология» кафедраси деб номлаб кафедра мудирлигига тарих фанлари доктори, профессор Ш.А.Ахадов тайинланади ва кейинроқ илмий кенгашда кафедра мудирлигига сайланади. Иккала кафедра жамоалари асосида янги кафедра таркиби қуйидагича шаклланади: профессор Ш.А.Ахадов кафедра мудир, доцент С.Н.Норов, доцент М.С.Савуров, доцент Д.Х.Бердиерова, доцент А.И.Сафаров, доцент М.Г.Ҳамдамов, доцент Д.И.Салоҳиддинова, А.Б.Мухаммадиев, Д.Т.Тугизов (соатбай), катта ўқитувчилар М.М.Астонова, Х.Ж.Жураев (соатбай), ўқитувчилар – М.О.Ибрагимова, А.Э.Зиётова, А.Х.Хазратов, С.У.Тогаев ва бошқа кабинет ходимларидан иборат таркибда кафедра ўзининг илмий, илмий-услубий, таълим-тарбиявий ва маънавий–маърифий ишларини бошлаб юборадилар. Демак кафедра таркибида 1 та фан доктори, профессор, 8 та фан номзоди, ундан 7 таси доцент, 2 та катта ўқитувчи, унинг биттаси фан номзоди, 5 та ўқитувчилардан иборат илмий ва амалий потециалга эга бўлган ҳолда кафедрада иш бошланади.

Кафедрадаги мухит очиғини айтиш керак, ишчанлик, ахиллик, бирлик рухияти аввалги ҳоллатда эмаслиги дарҳол сезилди. Ана шундай вазиятда кафедраларни бирлаштириш «ғоя»сини берганлар учун кутилган ҳолат бўлиб, «ғоя» парастлар кафедрани келажакда поракандалик вазиятда кўришни хохладилар. Аммо улар катта хатога йўл қўйиб, қўпол адашдилар. Бир йил ичида, яъни 1996-97 йиллар мобайнида кафедрадаги ахиллик, бирлик ва ишчанлик ўз ўрнини эгаллади. Кафедрада ўқув жараёни яхши йўлга қўйилди, илмий-тадқиқот ишлари самарали давом этаверди, таълим-тарбия, маънавий-маърифий ишлар кутилган натижадан ҳам юксакроқ амалга ошаверди. Қисқаси, кафедра катта жамоага, турли

хил характерга эга бўлсада меҳнатсеварлик, ўзаро ёрдам, ўзгалар намуна оладиган даражага эришди. Қисқа икки йил давомида кафедра аъзолари томонидан 1-та монография (Ш.А.Ахадов), 2-та маъруза матнлари (Ш.А.Ахадов), 10-дан зиёд илмий рисола ва 75-дан ортиқ илмий мақолалар, 20-дан зиёд услубий кўрсатмалар чоп этилади.

Кафедранинг бу ютуқлари ҳам аввалги «ғоя»чиларнинг тинчлигини бузади шекилли, яна институт раҳбариятини турли «таклифлар» билан фикрини ўзгартиришга эришади. Натижада яна аввалги иккита кафедрага учунчи кафедранинг, яъни «Иқтисодий назарияси» кафедрасининг «Фалсафа ва социология» кафедраси билан бирлаштириб, «Социология ва иқтисодий назария» кафедраси номи билан 1999 йилда ташкил этилди. Бу сафар ҳам институт раҳбарияти кафедра аъзолари билан эмас, ўша «ғоя»чининг фикри ва таклифи билан кафедранинг кўшадилар. Эҳтимол кафедранинг яхши ниятлар билан эмас, ғаразлилик билан ишнинг яхши кетишини ҳисобга олмасдан ташкил топган катта жамоага айланган кафедрада рухий вазиятни ўзгартириш, ишга тўсқинлик қилиш, кафедра аъзолари ўртасида иғво, фисқу-фасад ишларни кучайтириш, поракандалик, гуруҳбозликни ташкил этиб ижтимоий фанлардан ягона тарих фанлари доктори бўлган шахсни кафедранинг бошқара олмайдиганга чиқариб, бўшатиб тайлашдан иборат ғаразли ният «ғоя»чининг машъум режаси эди. У бу сафар ҳам ўз ниятига эриша олмади.

Янги кўшилган «Иқтисодий назария» кафедрасининг ҳамма аъзолари, жумладан, кафедранинг собиқ мудирининг доцент Б.С.Каршиев, доцент К.Ю.Юлдашев, доцент Н.К.Созыкин (марҳум), доцент Ш.Э.Эралиев (марҳум), доцент Б.Ж.Гиясов, катта ўқитувчи М.С.Шомурадова, ўқитувчи Ғ.Ш.Ахадовлар йириклаштирилган кафедранинг таркибига кириб, кафедранинг янада кенгайтирадилар.

Ушбу кафедранинг бир қатор аъзолари турли хил сабаблар билан, кафедранинг тарк этадилар, жумладан, доц. Д.И.Салоҳиддинова докторлик диссертациясининг ёқлагандан кейин СамДУга ишга ўтиб кетади, доцент Д.Х.Бердиярова чет элга кетиб қолади, доцент Д.И.Юлдашев эса АҚШга ишга кетади, ўқитувчи М.О.Ибрагимова оилавий аҳволи туфайли вақтинчалик ишдан кетади, доцентлар Қ.Ю.Юлдашев, М.А.Негматовалар нафақага чиқиб кетадилар, доцент Н.К.Созыкин Украинага кўчиб кетади, ўқитувчи А.Хазратов, С.У Тоғаевлар ҳам бошқа ишга ўтиб кетадилар. Натижада кафедра таркиби қисқарсада, ўқув жараёнида иш тўхтамасдан давом этади. Қолган кафедра аъзолари, кафедра мудирининг бошлиқ биринчи бор давлат аттестациясидан мувоффақиятли ўтишга эришади. Кафедра мудирининг, тарих фанлари доктори, кафедра профессори Ш.А.Ахадов эса 3 маротаба Давлат Аттестациясидан ўтишига тўғри келди, аммо институтдан ижтимоий-гуманитар фанлари кафедралар мудирларидан биронтаси Давлат Аттестациясидан ўтишга юборилмади, улар кейинги йилларда ҳам бориб ўтмадилар. Ушбу ҳолат ҳам қандайдир кафедра мудирининг Ш.А.Ахадовга нисбатан тўғри муносабат оқибати эмаслигидан далолат беради.

Бирлашган уччала кафедра аъзолари иштирокида кафедрада ўқув жараёни илмий-тадқиқот ишлари, чоп этилган монография, рисолалар, илмий мақолалар, илмий-услубий ишларни ҳисобга олган ҳолда тўғри баҳолашни Президент Махкамаси қошида, ҳозирги Олий таълим вазири С.Р.Қосимов бошчилигидаги 17 кишидан иборат Давлат Аттестация комиссияси 2000 йилнинг 12 сентябрида кафедра мудирини, тарих фанлари докторини, кафедра профессорини Ш.А.Аҳадовни «Эгаллаб турган лавозимига лойиқ» - деган ҳулоса чиқариб қарор қабул қилдилар. Бу воқеадан кейин кафедрадаги айрим шахсларнинг «ҳолисона ҳаракати», «ғоя»чининг «беғаразлиги» туфайли кафедрадан философлар 2002 йил августида ажралиб чиқишга эришиб, яна кафедрада олтинчи мартаба ўзгартиришга олиб келади ва философлар ҳаммаси доцент М.Ғ.Ҳамдамовдан ташқари, яна янгитдан ташкил этилган «Фалсафа»номи билан аталган кафедрага ўтиб, 8-та кишидан иборат кафедра таркибини ташкил этадилар. Халқнинг оригинал бир мақоли бор «Бир кўчган, қирқ марта таланар».

Кафедрамиз ҳаётида 6-ти марта ўзгариш, бошқа жойга кўчиш ва яна бирлашишлар уччала кафедра аъзоларининг медресига, руҳиятига тегишмасдан қолмади. Кафедра мудирини профессор Ш.А.Аҳадов «ғоя»чи ва унинг гумашталарининг ифвогарона ҳаракати, институт раҳбариятининг бу ишларга бефарқлиги оқибатида ниҳоятда оғир маънавий-руҳий таъсирга чидай олмасдан касал бўлиб қолади. Оғир, хавфли операциялар, медикларнинг меҳрибонлик, инсонпарварлик ҳаракатлари оқибатида бир йилдан кейин соғлом бўлиб ишга қайтади.

Умуман олганда кафедра аъзоларининг аҳиллиги, ҳурмати, кафедра мудирини бўлган холисона муносабати натижасида кафедрада ишлар кутилгандан ҳам яхши самарали натижаларга эришади, ўқув жараёни янада яхшиланиб такомиллашади. Кафедрада ўқитиладиган ҳамма 6-та предметлар бўйича янги намунавий дастурлар асосида ишчи дастурлар тузилиб, ҳамма предметлар бўйича маъруза матнлари ҳамма мавзулар бўйича 10 нусхадан иборат тайёрланиб, бир қисмини институт кутубхонасига берилади ва қолганини ўқув кабинетига қолдирилади.

«Социология»дан янги ўқув қўлланма тайёрланиб чоп этишга берилади. Кафедра аъзоларининг аҳиллиги, меҳнатсеварлиги натижасида узлуксиз меҳнат қилиб, ҳамма предметлардан қисқа вақт ичида ўқув, услубий қўлланмалар, кўрсатмалар, тавсиялар, саволларга жавоблар («Социология», «Сиёсатшунослик», «Иқтисодий назария»дан), лотин алифбосида «Социология»дан ўқув қўлланма (Ш.А.Аҳадов), «Иқтисодий назария»дан маъруза матни лотин алифбосига ўгириб, тайёрланиб, дастур асосида талабаларга тарқатилади, ҳамма фанлар бўйича жорий, оралиқ ва якуний назорат контрол саволлари ва жавоблари (умумий тарзда талабаларга кўрсатма сифатида) тайёрланиб талабаларга тарқатилади, рейтинг баллари аниқланади, талабаларга рефератлар ёзиш кўрсатмалари, маслаҳатлар узлуксиз йил давомида ташкил этилади, илмий-тадқиқот ишлари яхши йўлга қўйилиб кафедрада икки йўналишли илмий муаммолар устида узлуксиз иш олиниб борилади. Бу ҳақида кафедранинг 5 йиллик ҳисоботида келтирилган. Бу ҳисобот қуйида келтирилади.

Кафедрадаги бу ижобий ўзгаришлар ўша «ғоя»чининг ва айрим унга эргашганлар институт рахбарияти билан «беғараз» келишганлиги сабабли уччала кафедрани яна еттинчи марта кўшишга қарор қилиб, 2005 йил 4 августда институт илмий кенгаши қарори билан «Социология ва иқтисодий назария» кафедраси билан «Фалсафа» кафедрасини бирлаштириб, «ИЖТИМОЙ ФАНЛАР» кафедраси номи билан ташкил этилганлиги эълон қилинади. Кафедра мудирлигига Ш.А.Ахадовни тасдиқлайди.

Объектив равишда савол туғилади. Нима учун «Ижтимоий фанлар»ни битта кафедра қилиб ташкил этар экан, «Ўзбекистон халқлари тарихи» кафедрасини қўшмади? Институт бўйича кафедрада структуравий ўзгаришлар бўлар экан, нима сабабдан бу ўзгаришлар «Ўзбекистон халқлари тарихи» кафедрасига тегишли эмас экан? Бу саволга жавоб бўлмаслиги аниқ. Чунки «Ижтимоий фанлар» кафедраларидаги бу ўзгаришлар бевосита институт рахбариятига таъсир этиб ўз фойдасига хал қилинган ўша уччала кафедрани кўшиб, ажратиб, ўйин қилган «ғоя»чининг фаолияти оқибатидир. Бунга қуйидаги мисол гувоҳ бўлиб, уни тасдиқлайди. Бу воқеа қуйидагича юз беради. 2005 йил 4 августда факультетлар, кафедралар бирлашганлигини, шу жумладан «Социология ва иқтисодий назария» кафедраси билан «Фалсафа» кафедраси бирлашиб «Ижтимоий фанлар» кафедраси номи билан ташкил этилганлигини ва бу кафедра мудирлигига тарих фанлари доктори, кафедра профессори Ш.А.Ахадов тайинланганлиги институт ректори институт илмий кенгашида кенгаш қарорини эълон қилади. Институт илмий кенгашидан кейин орадан 2-3 соатлар вақт ўтмасидан ўша «ғоя» чи ўзининг битта «шогирди» билан институт ректори хузурига кириб, «Ижтимоий фанлар» кафедраси мудирлигига фан доктори, кафедра профессори Ш.А.Ахадов эмас, фан номзоди, доцент Б.С.Қаршиев эканлиги тўғрисида аввалги, яъни 2-3 соат олдинги институт илмий кенгаши қарорини ўзгартириб, янги буйруқни эълон қилдиришга эришадилар. Институт ректори бу ҳолат нотўғри эканлигини орадан кўп ўтмасдан тушуниб, институт илмий кенгаши қарорини ўз кучида қолдиради ва «Ижтимоий фанлар» кафедраси мудирлигини Ш.А.Ахадовга топширади ва хозиргача бажариб келмоқда.

Аммо «Ижтимоий фанлар» кафедраси мудирлигига танлов ўтказилиши керак эди. Бу ҳақида «Бунёдкор» газетасига 3-марта эълон қилинди, кафедра мудирлиги танловига тарих фанлар доктори, кафедра профессори Ш.А.Ахадов ҳам ўз алтернативи билан 3-марта танловда иштирок этишга ариза берган, ушбу танловга алтернатив номзод сифатида биринчи эълонга доцент А.Б.Мухамадив, иккинчи танловга алтернатив сифатида доцент М.С.Савуровлар ариза берган.

Лекин ноаниқ сабабларга кўра уч марта ҳам танлов (2005 йил ноябр, 2006 йил июл ва 2006 йил ноябр-декабр) қолдирилди. Эҳтимол бу воқеалар ҳам ўша «ғоя»чининг «беғараз» ёрдами бўлса ажаб эмас. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки юқорида келтирилган «ғоя»чининг харакатларини бутун институт жамоаси яхши тушуниб олган, «ғоя»чининг кимлигини ҳам ҳамма билади, танийди.

Демак уччала «Социология ва маданиятшунослик», «Иқтисодий назария» ва «Фалсафа» кафедраларининг тарихий саргузаштлари охирига етиб натижада «Ижтимоий фанлар» номи билан (СамДАҚИ ташкил топганда ҳам ижтимоий фанлар шу ном билан аталган) кафедрани ташкил қиладилар. «Ижтимоий фанлар» кафедра таркибида аввалги 12-та кишига яна философлардан 6-та киши қўшилиб жами 18-та кишига етди. Улардан 2-та фан доктори, профессор, 6-та фан номзоди, доцентлар, 2-та катта ўқитувчи ва 7-та ўқитувчи, 1-та кабинет мудирлари ва 1-та лаборантдан иборат таркибда шакилланди. Улар қуйидагилардан иборат.

Профессорлар, фан докторлари – Ш.А.Ахадов (кафедра мудирлари), С.К.Каримов (ўриндошлик).

Доцентлар, фан номзодлари – Б.С.Қаршиев, Ш.Э.Эралиев (мархум), С.Н.Норов, М.С.Савуров, А.И.Сафаров, А.Б.Мухаммадиев.

Катта ўқитувчилар – М.С.Шомуродова, М.М.Астанова.

Ўқитувчилар – Ғ.Ш.Ахадов, Ш.Р.Назарбердиев, А.Э.Зиётова, Ш.С.Джалилова, М.А.Ибрагимова, Х.Х.Хўжамов, Н.С.Сулайманова, Т.Лукиевлардир.

Кабинет мудирлари – У.М.Истамова.

Лаборант – Ф.Ш.Ахадовлардан иборат ижодий жамоа, илмий-педагогик кадрлар, бунёдкор, меҳнатсевар, илмга чанқоқ кишилардан иборат таркиб шакилланди. Лаборант Ф.Ш.Ахадов 2007 йилдан «Ахборот технологиялари маркази»га ишга ўтди.

Уччала кафедра аъзоларининг бирлашиб илмий-педагогик ишларини олиб бораётганлигига ҳам бир йил тўлди. Расмона бирлашди. Аммо кафедра йиғилишларини биргаликда, ишчанлик, мунозара, муҳокама, тортишувлар бўлсада фақат яхши мақсадлар билан ахиллик, бирликни яна мустахкамлаш руҳида ўтмоқда.

Шу сабабли уччала кафедранинг биргаликдаги ишларини алоҳида келтиришдан кўра 2002-2006 йиллар, 5 йил мобайнидаги ишларини «Ижтимоий фанлар» кафедраси фаолияти сифатида келтиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик. Шу билан бир қаторда «Ижтимоий фанлар» кафедраси таркибида, аввал ва ҳозир фаолият кўрсатган ва ҳозирги кунда ҳам самарали меҳнат қилиб, талабаларга билим бериб, халқимиз фарзандларини маънавий баркамол, етук мутахассис, Ватанга садоқатли кадрлар қилиб тарбиялаб вояга етказишда билими, малакаси ва меҳнатини аямаган бир қатор илмий-педагогларимизнинг биографик тарзда қисқача ҳаётий йўлини ҳам беришни лозим деб топдик.

Бирлашган уччала «Ижтимоий фанлар» номи билан институт таркибида қарийб 18-та илмий-педагогик кадрлар орқали 2001 йил августидан то 2006 йил август ойига қадар беш йил мобайнида бажарган қуйидаги ишларнинг натижаларига қараб қандай фаолият кўрсатганлиги ҳақида ҳулоса қилиш мумкин. (Аммо собиқ «Фалсафа» кафедрасининг 6-та аъзоси фаолияти 2003-05 йиллардаги ишлари кирмаган).

1) Кафедра аъзолари ана шу беш йил ичида 36533 соат дарс машғулоти, умумий ўқув юкларини бажарди.

2) Кафедра аъзолари кўрсатилган беш йил ичида жами 182-та илмий, илмий-услубий ишларни чоп этдириб фойдаланишга мувоффақ бўлди.

3) Беш йил мобайнида кафедра аъзолари томонидан иккита илмий муаммолар йўналиши бўйича 13-та монография, 27-та рисола, 254-та илмий мақола ва тезислар, жами 294-та илмий ишларни чоп этдирдилар.

4) Беш йил мобайнида кафедрада ташкилий ишлар соҳасида катта ишлар амалга оширилиб 60-мартта кафедра мажлиси ўтказилиб қарийб 260-та масала кўрилиб, муҳокама қилиниб 739-та пунктдан иборат қарорлар қабул қилинган ва назорат қилиниб амалда бажарилишига эришилган. Шу жумладан 140-мартта ўқитувчилар ўзаро дарсларга кирган, 50-мартта очик дарслар ўтказилиб муҳокама қилиниб холисона фикрлар билдирилган.

5) Беш йил мобайнида кафедра аъзолари томонидан институт миқёсида ва Самарқанд вилояти, туманлар ва шаҳарда қарийб 5659-та маънавий-маърифий ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлган тадбирлар ўтказилган ва яхши аҳамиятга эга бўлиб самарали натижаларга эришган.

6) Ана шу беш йил мобайнида кафедра аъзоларидан қарийб ҳаммаси (13-та киши) ўзларининг ўқитадиган фанлари бўйича малакаларини оширдилар, тажриба алмашдилар, ижтимоий фанлардан қандай ўзгаришлар, услубий кўрсатмалар борлигини ўрганиб, кафедрада фикр алмашиб ўзаро фойдаланишга мувоффақ бўлдилар.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, «Ижтимоий фанлар» кафедраси фаолиятида қанчалик қийинчиликлар, тўсиқ ва ноахиллик вазиятлари субъектив тарзда юз бермасин, ўзларига юклатилган ўқув жараёнига, маънавий-маърифий, таълим-тарбиявий ва илмий-тадқиқот ишлари соҳаси бўлмасин, ҳаммасини ўз вақтида ва самарали бажаришга эришдилар, кризисли ҳолатлари кўпчилик томонидан чек қўйилиб, ахилликка, бирликка ҳаракат қилиниб, орага бузғунчиликни содир этиб тургувчиларга ўз вақтида жавобини бериб, 2006-2007 ўқув йилини мувоффақиятли якунлаб таътилга чиқдилар, яъни 2007-2008 ўқув йилини Миллий Мустақиллигимизнинг 16 йиллик байрамини руҳан кўтаринкилик билан янги вазифаларни бажаришга, талаба ёшларга самарали таълим-тарбия бериш учун кучга тўлган ҳолда кутиб оладилар. «Ижтимоий фанлар» кафедрасининг бирлиги, ахиллиги ва меҳнатсеварлигини, маънавий-ғоявий юксаклигини янада намоён этишга мувоффақ бўладилар.

«ИЖТИМОЙ ФАНЛАР» КАФЕДРАСИДА САМАРАЛИ ФАОЛИЯТ КЎРСАТГАНЛАР ҲАҚИДА

1. О.Э.ҚОДИРҚУЛОВ – иқтисод фанлари номзоди, доцент. У ажойиб инсон, СамДАҚИни ва «Ижтимоий фанлар» кафедрасини, айниқса «Сиёсий иқтисод», кейинчалик «Иқтисодий назария» кафедрасининг ташкил этилишида фаол иштирок этган. Институтда ижтимоий фанларга мутахассис кадрларни танлашда, уларнинг илмий-педагогик салоҳиятини

оширишда фаол хизмат қилган, «Иқтисодий назария» кафедрасининг асосчисидир. СамДАҚИ номини, обрў-эътиборини Самарқанд вилояти ахли ўртасида тарғибот-ташвиқот қилишда, институтда партиявий, маънавий, сиёсий ва ғоявий ишларни йўлга қўйишда фаол ва самарали меҳнат қилган СамДАҚИда биринчи иқтисодчи олимдир. У киши кейинчалик юқори хокимият органларининг тавсияси билан ҳозирги Самарқанд Савдо ва Сервис институтига кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш мақсадида ишга юборилади ва ҳозирги кунгача ўша институтда ишламоқда.



2. Ш.А.АХАДОВ – 1937 йилда туғилган, 1956 йилда Пайариқ туманидаги №6 ўрта мактабни медал билан битирган. 1956-1961 йилларда Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат Университети Тарих факультетида ўқиб тугатган. 1961-1966 йилларда ўрта мактаб ўқитувчиси, мактаб директори, Самарқанд Кооператив институти лаборанти, 1966-1969 йилларда Санкт-Петербург Давлат Университети «Сиёсий тарих» кафедраси аспиранти, 1969 йилда номзодлик, 1991 йилда докторлик диссертацияларини ёқлаган. 1969-1978

йил сентябригача Самарқанд Кооператив институтида ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент бўлиб ишлаган. 1978 йил сентябридан ҳозирга қадар Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд Давлат Архитектура – Қурилиш институтида турли лавозимларда, энг муҳими илмий-педагог мураббий ва олим бўлиб ишлаган ва ишламоқда. Ҳозирга қадар унинг 220-дан ортиқ илмий, илмий услубий ишлари, шу жумладан 6-та монография, 2-та ўқув қўлланмалар, 30-дан ортиқ услубий қўлланмалари чоп этилган. Кўплаб илмий мақолалари хорижий тилларда эълон қилинган.

3. Э.А.АЛИҚУЛОВ – иқтисод фанлари доктори, профессор, ҳозирги кунда Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат Университети «Иқтисодий назария» кафедраси мудири бўлиб ишламоқда. У СамДАҚИда бир неча йиллар «Сиёсий иқтисод» кафедраси мудири бўлиб ишлади ва шу ерда докторлик диссертациясини мувоффақиятли ёқлаб иқтисод фанлар доктори бўлди. У сермахсулли иқтисодчи олим, талабаларнинг севимли мураббийси-педагог сифатида фаолият кўрсатди. Кафедранинг илмий салоҳиятида унинг салмоқли ўрни бор.



4. Б.С.ҚАРШИЕВ – 1951 йилда туғилган, иқтисод фанлари номзоди, доцент. У 1981 йилда номзодлик диссертациясини ёқлади. 1982 йилдан ҳозиргача СамДАҚИда турли хил лавозимларда, ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент, кўп йиллар «Сиёсий иқтисод» кейин «Иқтисодий назария» кафедралари мудири, КПТ факультети декани бўлиб ишлади. 2002 йилдан институтда маънавий-маърифий ишлар бўйича

проректорлик лавозимида ва «Ижтимоий фанлар» кафедрасининг доценти сифатида ишлаб келмоқда. У ташкилотчилик, педагогик ишини узлуксиз илмий ишлар билан боғлаб олиб бормоқда. Шу мақсадда унинг хозиргача 90-та илмий мақоласи, 1-та ўқув кўлланма, 20-та илмий-методик кўрсатма, 7-та рисола, 3-та илмий тўпламни чоп этдирди. Б.С.Қаршиевнинг тўлиқ биографик маълумоти СамДАҚИ 40 йиллик тарихида батафсил берилган.



5. З.У.ЗУБАЙДУЛЛАЕВ – 1939 йилда Бухоро вилояти, Бухоро тумани Чорбакор қишлоғида туғилган. 1963 йилда Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат Университетининг Физика факультетини битирган ва Университетнинг «Фалсафа» кафедрасидан педагогик фаолиятини бошлаб, философия соҳаси бўйича илмий-тадқиқот ишларини бошлаб юборади, 1968 йилда фалсафа фанлари номзодлиги учун диссертацияни мувоффақиятли ёқлайди. 1967-1978 йиллар жараёнида, дастлаб СамДУда, СамПИда, кейин эса Жиззах Давлат педагогика олийгоҳларида илмий ходим, ўқитувчи, доцент, олийгоҳ ректорининг муовини лавозимларида ишлади. 1978 йилдан 1988 йилгача СамДАҚИнинг «Фалсафа» кафедраси мудири бўлиб ишлади. Ундан кейин кафедрада доцент бўлиб ўқув ва илмий-педагогик фаолиятини давом этдирди ва 1994 йилда 55 ёшида вафот этади. У фаолияти давомида 40-дан ортиқ рисола, илмий мақолаларни чоп этдирди. Унинг «Фалсафа» кафедрасини мустахкамлашда, талаба ёшларга таълим тарбия беришда, маънавий-маърифий ва ғоявий соҳаларда ажойиб тарғиботчи, меҳрибон устоз ва мураббий, меҳнатсевар фидоий сифатида танилган олим эди. Унинг кафедра ахли ўртасида бирлик, ахиллик, ўзаро ёрдам муносабатларини мустахкамлашда меҳнатлари катта бўлган олим, инсонпарвар мураббий педагог эди.



6. С.Н.НОРОВ – фалсафа фанлари номзоди, доцент. 1967-1972 йилларда Тошкент Давлат Университети фалсафа факультети талабаси, 1972 йилда университетни тугатиб, Республика олий таълим вазирлигининг йўлланмаси билан Самарқанд Давлат архитектура қурилиш институтига «Фалсафа ва илмий коммунизм» кафедрасига ўқитувчи бўлиб ишга келади, 1977-1980 йилларда ТашДУда аспирантурани ўтаб, номзодлик диссертациясини ёқлаб, яна СамДАҚИга «Фалсафа» кафедрасига қайтиб келиб, катта ўқитувчи бўлиб ишлаб боради. 1982 йилдан доцент, 1980-90 йилларда «Фалсафа» кафедрасида доцентлик билан институтда ташкил этилган «Ижтимоий касблар факультети» (ФОП) декани бўлиб ишлади ва 1990-1996 йиллар давомида эса «Фалсафа» кафедраси мудири, 1996 йилдан «Фалсафа ва социология» кафедраси доценти, кейин 2003-2005 йилларда «Фалсафа» ва 2005 йил августидан «Ижтимоий фанлар» кафедрасининг доценти бўлиб ишламоқда. 2002 йилдан 2004 йил декабригача «Ижтимоий-гуманитар

кафедралари маркази» ва «Миллий истиқлол ғояси маркази» бошлиғи бўлиб фаолият кўрсатди. «Фалсафа» кафедраси мудирлиги даврида кўплаб ижтимоий фанлар кафедралари билан, жумладан, Москва Давлат Университети «Социология» кафедраси билан яқиндан алоқада бўлиб тажриба алмашиб турганлар.

У ўз фаолияти жараёнида 1-та монография, 8-та рисола, 50 илмий мақола, 17-та ўқув-услубий қўлланма, 31-та услубий кўрсатма, жами 108-та иш муаллифидир. Ҳозирги кунда ҳам самарали меҳнат қилиб, илмий изланишлар олиб бормоқда.




7. А.МУХАММАДИЕВ. фалсафа фанлари номзоди, доцент. 1942 йил туғилган. 1959 йил Денов шаҳридаги №2 ўрта мактабни тугатиб 1961 йил Алишер Навоий номидаги СамДУ тарих факультетига ўқишга кириган, шу йили армия сафига чақирилган. 1964 йилдан ўқишни давом этдириб, 1968 йили уни имтиёзли тугатган. Республика Олий таълим вазирлигининг йўлланмаси билан СамДУ фалсафа кафедрасида ишга қолдирилган.

1970-1972 йилларда С.Айний номидаги СамДПИ фалсафа кафедрасида катта ўқитувчиси лавозимида ишлаган. 1975-1978 йиллар А.Беруний номидаги ТашПИ фалсафа кафедраси аспиранти, 1978-1982 йиллар Янгиер шаҳридаги ТИИМСХ филиалида катта ўқитувчи бўлиб ишлаган. 1981 йил 16-апрелда номзодлик диссертациясини химоя қилган. 1985 йилда доцент илмий унвонини олган.

1982 йил сентябр ойдан СамДАҚИда ишлаб келмоқда. 1984-1990 йиллар институт “Билим” жамиятини бошқарди, Илмий Кенгаш котиби вазифасини бажарди. 2002 йил август ойдан то 2005 йил август ойигача фалсафа кафедраси мудирлиги бўлиб ишлаган. Доцент А.Б.Мухаммадиев 2004 йил сентябр ойида ўтказилган “Миллий истиқлол ғояси ва талаба-ёшларни миллий кадриятларга содиқлик руҳида тарбиялаш” мавзусида республика илмий-назарий конференцияси асосий ташкилотчиларидан бири бўлган.

2005 йилдан бошлаб, “Ижтимоий фанлар” кафедраси доценти, институт “Миллий истиқлол ғояси маркази” бошлиғи. Ҳозирги кунда фалсафа, диншунослик ва миллий истиқлол ғояси фанларидан дарс беради. Ҳозирга қадар унинг 4-та рисола, 40-дан ортиқ илмий мақолалари чоп этилган. Олийгоҳ ва вилоятда ўтказиладиган турли маданий-маърифий ишларда иштирок этиб келмоқда.



8. М.С.СОВУРОВ – фалсафа фанлари номзоди, доцент. 1941 йилда Бухоро вилояти, Бухоро тумани, «Дўстлик» жамоа хўжалигида ўқитувчи оиласида туғилган. 1957 йилда ўрта мактабни, 1958 йилда Тошкентдаги киномеханиклик курсини, 1963 йилда

Тошкентдаги 5-йиллик муסיқалий драма ва комедия курси танловидан ўтиб, уни диплом билан тугатди ва 1964 йили Самарқанддаги опера ва балет театрига опера солисти бўлиб ишга кирази. Театрда ишлаб юрганида санъаткор сифатида кўплаб ролларни ижро этади. 1964-1970 йиллар мобайнида СамДУ тарих факультетини ишдан ажралмай тугатади. 1969 йилдан бошлаб хозиргача СамДАҚИ «Фалсафа ва илмий коммунизм» кафедрасига ишга кириб, «Этика» ва «Эстетика» фанларидан талабаларга дарс беришдан бошлаб илмий педагогик фаолияти бошланади.

1973 йилда Ломоносов номидаги Москва Давлат университети «фалсафа» факультети эстетика мутахассислиги бўйича аспирантурага кирази ва уни тамомлаб 1977 йили номзодлик диссертациясини мувоффақиятли ёқлайди ва институтга қайтиб келиб ўз ишини яна «Фалсафа» кафедрасида доцентлик лавозимида давом этказади. 1981-82 йилларда МГУда докторантурада ўқиди, «Ўзбекистон бадиий маданиятининг кишиларни эстетик тарбиялашдаги роли» мавзуида илмий тадқиқот ишларини давом эттиради ва давом эттирмакда. Ушбу умумий мавзудан 5-та монография, кўплаб илмий мақолаларни чоп эттирди. 1998 йилда Тошкентда «Художественная культура Узбекистана» («Ўзбекистонда бадиий маданият») номли китоби чоп этилади. Хозирги кунда ҳам институтнинг «Ижтимоий фанлар» кафедрасида доцентлик лавозимида самарали меҳнат қилмакда, талабаларни эстетик руҳда тарбиялашда унинг хизматларини алоҳида таъкидламоқ зарур. Чунки у 1977 йилдан бошлаб СамДАҚИда фаолият кўрсатаётган халқ ансамбли унвонига эга бўлган «Улуғбек юлдузлари» халқ ансамблида санъаткорлик фаолиятини ҳам давом эттирмакда.



9. Н.К.СОЗЫКИН – иқтисод фанлари номзоди, доцент, ҳарбий олим, захирадаги подполковник. 1925 йилда туғилган, 2006 йил бошида вафот этган. Институтда унинг хизматлари катта, у нафақат талабаларга «Иқтисодий назария» фанидан дарс бериш билан чегараланиб қолмасдан талабалар ва институт жамоаси ўртасида маънавий-маърийи соҳада, миллий истиқлол ғоясининг моҳияти, миллий мустақиллигимизнинг тарихий аҳамияти ҳақида миллатлар, халқаро дўстлигининг ўзига хос аҳамияти мавзуларида кўлами кенг таълим-тарбиявий ишларни олиб борган ҳалол, покиза, камтарин, аммо ўз соҳасинининг билимдон иқтисодчи олими, меҳрибон мураббий эди. У институтда 1969 йилдан то 2004 йилгача ишлади, кейин 2004 йил ёзида Украинага кўчиб кетди. У кафедрадаги фаолияти даврида 40-дан зиёд илмий, илмий-услубий ишларни чоп эттирди. Кафедрада уни ажойиб олим, меҳрибон ўртоқ, ахиллик унинг асосий мақсади эди деб билади, хурмат қилади, кафедрада яхши ном қолдирди.



10. Ш.Э.ЭРАЛИЕВ – иқтисод фанлари номзоди, доцент. У Самарқанд кооператив институти иқтисодиёт-товаровед факультетини 1971 йилда тугатган. У 1947 йилда Кўшробод тумани Жўш қишлоғида оддий меҳнаткаш оиласида туғилган. 1971 йил 18 октябрь ойида Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд Давлат архитектура-қурилиш институтига ишга келиб «Сиёсий иқтисод» кафедрасининг кабинет мудирлигидан илмий-педагогиклик фаолиятини бошлаган. 1975 йилда Тошкент халқ хўжалиги институти (хозирги Иқтисодиёт Университети)га дастлаб стажировкага, кейин эса сиртки аспирантурага ўқишга кирган ва 1984 йилда номзодлик диссертациясини мувоффақиятли ёқлаб иқтисод фанлари номзоди илмий даражага ва кейин доцентлик унвонига эга бўлган. 1976 йилдан кафедра катта ўқитувчиси, 1984 йилдан доцент бўлиб хозирга қадар ана шу лавозимда фидокорона илмий-педагогик соҳа бўйича ҳалол ва самарали меҳнат қилиб талаба ёшларни маънавий-маърифий жихатдан ётук, сиёсий-ғоявий жихатдан мустаҳкам иродали ватанпарвар, инсонпарварлик руҳида тарбиялаб, минглаб ёш талабаларга мураббийлик қилди ва мураббийликни илмий, илмий-услубий ишлар билан узвий боғлаб олиб борган эди.

Унинг 40-дан ортиқ илмий, илмий-услубий ишлари, ҳаммуаллифликда 1-та услубий қўлланмаси чоп этилган. Кафедрادا холисона, руҳан кўтаринкилик, ахиллик, бирлик тамойилига мувофиқ фаолият кўрсатиб обрў-эътиборга эга бўлган олим, мураббий-педпгог эди. У 2006 йил 31 август куни бевақт оламдан ўтди.



11. А.И.САФАРОВ – 1957 йилда туғилган. Фалсафа фанлари номзоди, доцент. 1980 йилда Тошкент Давлат Университети «Фалсафа-иқтисод» факультетининг фалсафа бўлимини тугатган.

1980 йил сентябрдан СамДАҚИ «Фалсафа» кафедраси ўқитувчиси лавозимида ишлаб келмоқда.

1984-87 йилларда Тошкент Давлат Университети фалсафа кафедраси аспиранти. Илмий изланишларни ф.ф.д.проф. К.С.Содиқов раҳбарлиги остида олиб борган. 1990 йилда «Шахс оқилона эҳтиёжларини шакллантиришнинг объектив ва субъектив омиллари» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

1994 йилдан фалсафа кафедраси доценти. Бир неча халқаро ва республика миқёсида илмий анжуманларда фаол катнашиб келмоқда. 30-дан зиёд илмий мақолалари ва 4-та услубий қўлланма чоп эттирган.

«Фалсафа», «Миллий истиқлол ғояси», «Мантиқ» фанларидан дарс ўтиб келмоқда.

Вилоят миқёсида ва олийгоҳда фаол маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар олиб бормоқда. Вилоят ҳокимлиги «Мулоқот» гуруҳи таркибида вилоят туманларида, маҳаллаларда ижтимоий-сиёсий ва

маънавий-маърифий соҳаларда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқда.

Олийгоҳда турли маърифий тадбирлар ўтказишда, шунингдек, «Маънавият кунлари» ва «маънавият» соатлари ўтказишга доимий иштирок этиб келмоқда.

Олийгоҳ «Ахборот» гуруҳи аъзоси. Маънавиятли мураббий, илмий-тадқиқот ишларини яна этказса, келажакда самарали олим бўлиши мумкин.

12. Д.И.САЛОҲИДДИНОВА – 1959 йил 29 мартда Каттакўрғон шаҳрида туғилган. 1976 йил Самарқанд шаҳридаги 49-ўрта мактабни имтиёзли тугатган.

1981 йил Садриддин Айний номидаги Самарқанд Давлат педагогика институтининг рус филологияси факультетини «филолог» мутахассислиги бўйича тугатган.

1981-83 йиллар мазкур институтда ўқитувчи бўлиб ишлаган ва кейин 1984-89 йилларда ўзининг илмий-тадқиқот ва педагогиклик ишларини давом этказди.

1989 йилдан Мирзо Улуғбек номидаги СамДАҚИнинг рус тили кафедрасида ўқитувчи бўлиб ишлади.

1992-93 йил Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат Университетининг ўзбек адабиёти тарихи кафедрасида малака ошириш курсини ўтди.

1993 йил 22 сентябрида «Алишер Навоийнинг «Бадоеъ-ул-бидоя девони ва бадиий санъаткорлик масалалари» мавзуида филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ёқлади.

1994 йил 1 февралдан мазкур институтнинг Социология ва маданиятшунослик кафедрасида катта ўқитувчи бўлиб ишлади. У кафедрадан докторантурага юборилиб, докторлик диссертациясини мувоффақиятли ёқлади ва профессорлик унвонига эга бўлди. Ҳозирги кунда Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат Университетида кафедра мудири бўлиб ишламоқда.

У ажойиб мутахассис, ўз соҳасининг билимдон олими, кафедрамиздан йўлланма олиб фан доктори бўлган иккинчи кишидир. Кафедрामизда қисқа вақт ишласада иззат-ҳурматга сазовор бўлган ажойиб педагог, талабалар ҳурматини қозонган меҳрибон мураббийдир. Кафедрामизда илмий-тадқиқот ишларини олиб бораётган ёшларга яқиндан илмий раҳбарлик қилиб, ўз ёрдамини кўрсатиб илмий алоқаларини мустаҳкамлаб келмоқда.



13. Э.Н.НАХАНОВ – 1923 йилда Пайарик тумани Собиқ Калинин номли хўжалиги «Қўшробод» кўча маҳалласида туғилган, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, урушдан кейинги йилларда Пайарик

хўжалик ишларида ёшлар ташкилотларида раҳбарлик қилган, 1950-нчи йилларнинг охиридан 1966 йилгача Самарқанд вилоят «Билим» жамият бошлиғи, 1966 йилдан институт ташкил топганидан бошлаб институтда турли лавозимларда то умрининг охиригача фаолият кўрсатган, институтнинг энг кекса ходими эди. Дастлаб институт касаба союз ташкилотида юристик лавозимида (қисқа бўлсада), кейин «Фалсафа ва илмий коммунизм», «Илмий коммунизм» кафедраларида ўқитувчи, катта ўқитувчи бўлиб «Сиёсий тарих» ва «Хуқуқшунослик»-дан талабаларга дарс бериб келди.

Унинг хизмати шундан иборатки, кафедрада ўқув базасини кўргазма қуроллар воситаларини, ўқув кабинетини жихозлаш ишларида, дарс машғулотларининг ўз вақтида сифатли ўтишини назорат қилишда, предметлар бўйича зарурий ва қўшимча адабиётлар билан таъминлашда, кафедрада тартиб интизомга қатъий риоя қилишда жонбозлик, талабчанлик қилган мураббий-педагог эди.



14. О.Х.ХАКИМОВА – 1936 йилда туғилган, 1963 йилда Самарқанд Давлат Университети тарих факультетини тугатиб, аспирантурада ўқиб номзодлик диссертациясини ёқлаб, университет тарих факультетида ўқитувчи бўлиб, кейин Самарқанд кооператив институти «Сиёсий тарих», «Илмий коммунизм» кафедраларида катта ўқитувчи, доцент бўлиб ишлаган. 1977 йилдан кооператив институти партия қумитаси секретари ва 1980 йилдан 1994 йилгача «Илмий коммунизм», «Ижтимоий-сиёсий муносабатлар назарияси» номли кафедралар мудирлиги лавозимида ишлаб кафедранинг ўқув-методик базасини яратишда катта хизматлари бўлиб, ўқув жараёнини ўқитиладиган предметлар бўйича зарурий ва қўшимча адабиётлар билан таъминлашда, предметлар бўйича талабаларга сифатли дарс беришда, талаба ёшларни маънавий-маърифий ва ғоявий жиҳатдан етук мутахассис, инженер-кадрлар қилиб тарбиялаб чиқаришда, кафедранинг обрӯ-эътиборини мустаҳкамлашда йиллик ва муқобил режаларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминловчи талабчан раҳбар сифатида ўзини намоён этди. Ўзининг бутун меҳнати, илмий-педагогик фаолияти жараёнида дарс беришнинг намунали услубларидан фойдаланишга ҳаракат қилди ва бошқалардан талаб қилди. Бу ҳақда ўнлаб чоп этдирган илмий, илмий-услубий ишларининг мазмун-моҳиятидан ҳам билса бўлади. У кафедра ахли ўртасида дастлаб катта обрӯ-эътиборга эга эди.



15. М.А.НЕГМАТОВА – 1935 йилда туғилган 1961 йилда Алишер Навоий номидаги номидаги Самарқанд Давлат Университетининг тарих факультетини нуфузли диплом билан битириб, 1961 йилнинг ўзида шу факультетнинг «Ўзбекистон тарихи» кафедрасидаги аспирантурага кириб, унинг

мувоффақиятли тамомлаб, тарих фанлари номзодлиги учун диссертация ёқлайди. Тарих фанлари номзоди сифатида 1961 йилдан то 1980 йилгача университетининг тарих факультетида дастлаб, юқрида таъкидлаганидек аспирант, ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент лавозимларида самарали меҳнат қилиб, кўплаб илмий, илмий-услубий мақолаларини чоп эттиради. 1980 йилдан бошлаб СамДАҚИда «Илмий коммунизм», «Ижтимоий сиёсий муносабатлар назарияси», «Социология ва маданиятшунослик», кейин «Фалсафа ва социология» кафедраларининг доценти, «Социология ва иқтисодий назария» кафедрасида ўриндошлик ва ҳозирги кунда нафақада бўлсада «Ижтимоий фанлар» кафедрасида соатбай тарзида ишлаб, кафедрадан алоқасини узган эмас. Кафедранинг ўқув базасини таълим-тарбия ва илмий соҳасини мустаҳкамлашда хизматлари катта бўлган, мураббий, тарихчи олимадир.



16. Р.А.РУЗИМУРАДОВ – 1938 йилда туғилган, тарих фанлари номзоди доцент. У 1961 йилда СамДУнинг «Тарих» факультетини тугатиб, аспирантурада ўқишни давом эттиради, номзодлик диссертациясини мувоффақиятли ёқлаб, тарих фанлари номзоди илмий даражасини олишга эришади. У илмий педагогик фаолиятини дастлаб университетнинг тарих факультетида, кейин Самарқанд қишлоқ хўжалик институти «Сиёсий тарих» кафедрасида ўқитувчи, катта ўқитувчи ва доцент бўлиб ишлайди, кафедра мудирлигини бошқаради.

1979 йилдан бошлаб СамДАҚИда ўз фаолиятини давом эттириб то 1989 йилгача турли лавозимларда, дастлаб илмий лабораторияда илмий ходим, «Илмий коммунизм» кафедрасида катта ўқитувчи, факультет декани муовини, кафедра доценти бўлиб, илмий пелагогик, илмий тадқиқот ишларини давом эттиради. Унинг кафедрада хизматлари катта. У кафедранинг ўқув илмий базасини мустаҳкамлашда, кафедранинг институт миқёсида маънавий-маърифий, сиёсий-ғоявий ишларини олиб боришда ташкилотчилик вазифасини бажарган мураббий, педагог ва тарихчи олим эди. Унинг 35-га яқин илмий мақолалари чоп этилган. У 1996 йилда вафот этган.

17. М.Г.ХАМДАМОВ – 1962 йилда Жомбойда туғилган, философия фанлари номзоди, доцент. У 1996 йилдан 2003 йилгача СамДАҚИда олдин «Социология ва маданиятшунослик», кейин «Фалсафа ва социология», сўнг эса «Социология ва иқтисодий назария» кафедраларида дастлаб ассистент, катта ўқитувчи ва доцент бўлиб ишлади. У институтда ташкил этилган «Демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» марказини бошқарди. Талабаларнинг ётоқхонасида кафедра режасига мувофиқ

узлуксиз турли мавзуларда маърузалар ўқиди, суҳбатлар ўтказди, учрашувлар ташкил этиб, анжуманларда чиқишлар қилди. Қисман бўлсада «Сиёсатшунослик» предмети бўйича рус тилида кўрсатмали қўлланма, айрим мавзулар бўйича маъруза матнлари тайёрлади, семинар режалари, ишчи дастур, технологик карта ва бошқа методик ишларни тайёрлашда фаол иштирок этган. У илмий тадқиқот ишларини кафедрадаги умумий илмий муаммо мавзуларида ишлашдан бошлаб қатор илмий мақолалар чоп эттирди, услубий ишларни чоп эттиришга тайёрлади. У ўз вазифасига қатъий муносабатда бўлиб, интизомни яхши кўрар эди. Аммо у оилавий аҳволи сабабли ишдан кетишга мажбур бўлди.



18. М.М.АСТАНОВА. Кафедранинг катта ўқитувчиси. 1953 йилда туғилган, 1977 йилда СамДУни тугатган, 1982-1986 йиллар МГУда аспирант, 1987 йилда СамДАҚИда ассистент, ўқитувчи, 1995 йилдан катта ўқитувчи бўлиб ишлаб келмоқда. Фалсафа, диншунослик, этика, эстетика, логика фанларидан дарс беради.



19. М.С.ШОМУРОДОВА. Кафедранинг катта ўқитувчиси. 1955 йилда туғилган. Кафедрада тажрибали педагог, талабаларнинг меҳрибон мураббийси, кафедра “Иқтисодий назария”, “Маданиятшунослик”, “Маънавият асослари” фанларидан дарс беради, ушбу предметлар бўйича маърузалар матнларини тайёрлаган. Илмий ва илмий-услубий изланишлар олиб боради, илмий назарий анжуманларда узлуксиз маърузалар билан чиқишлар қилади, ҳозирга қадар унинг 40-га яқин илмий, илмий-услубий мақолалари чоп этилган.



20. Ғ.Ш.АХАДОВ. Кафедра ўқитувчиси. 1974 йилда туғилган. СамДАҚИнинг «Иқтисод» факультетини тугатиб, Ўзбекистон Фанлар Академияси Самарқанд бўлими «Ижтимоий гуманитар фанлар»нинг «Иқтисодиёт» йўналиши бўйича аспирантурани тугатган. Дастлаб СамДАҚИ «Иқтисодий назария» кафедраси, ҳозирги кунда «Ижтимоий фанлар» кафедрасида ўқитувчи, 10-дан зиёд илмий-услубий мақолалари чоп этилган, маърузалар матнлари тайёрланган.



21. Ш.Р.НАЗАРБЕРДИЕВ. Кафедра ўқитувчиси. 1984-2003 йиллар давомида туман ва вилоят

кенгашларида раҳбарлик лавозимларида ишлаган 1991 йил Тошкент Давлат сиёсатшунослик ва бошқарув институтини имтиёзли диплом билан тугатган. 2003 йилдан «Социология ва иқтисодий назария» кафедрасида, ҳозирги кунда эса «Ижтимоий фанлар» кафедрасида ўқитувчилик қилмоқда. У «Сиёсатшунослик» ва «Социология» фанларидан дарс бермоқда. Илмий-услубий ишлар устида ижодий ишлар билан шуғулланмоқда, маъруза матнлари тайёрланган.



22. Ш.С.ДЖАЛИЛОВА. Кафедра ўқитувчиси. 1961 йилда туғилган. 1979 йилда ўрта мактабни тугатиб СамҚХИга иқтисод факультетига ўқишга кирган. 1984 йилда СамҚХИни тугатиб Самарқанд шаҳридаги «Узглавзагатживпром» трестида иқтисодчи, 1986-1991 йилларда СамТИда зав.кабинет, 1991-2001 йиллар ўқитувчи, 2001 йилдан ҳозирга қадар СамДАҚИда ишлаб келмоқда. Унинг 20-дан ортиқ илмий ишлари бор.



23. А.Э.ЗИЁТОВА. Кафедра ўқитувчиси. 1964 йилда туғилган. 1989 йилдан 1995 йилгача СамДУнинг тарих факультетида, 1996 йилдан 1999 йилгача Ўз.ФА Самарқанд бўлимида аспирантурада таҳсил олган. Аспирантурада таҳсил олиш билан бир қаторда СамДАҚИнинг «Социология ва маданиятшунослик» кафедрасида ассистент бўлиб ишлай бошлаган. У бугунги кунга қадар институтнинг «Ижтимоий фанлар» кафедраси ўқитувчиси бўлиб ишлаб келмоқда. 40-дан ортиқ илмий мақолалари чоп этилган.

24. М.О.ИБРАГИМОВА. Кафедра ўқитувчиси. 1970 йилда туғилган. 2002 йилдан бери ўқитувчи бўлиб ишламоқда. СамДУни битирган. Профессор Д.Салоҳитдинова раҳбарлигида номзодлик илмий-тадқиқот ишини олиб бормоқда. 6-та мақоласи чоп этилган.

25. Н.А.СУЛАЙМОНОВА. Кафедра ўқитувчиси. 1981 йилда туғилган.



26. Х.Х.ХЎЖАМОВ. 1964 йилда туғилган, 1981 йилда ўрта мактабни тугатган, 1981-86 йиллар Ғаллаорол қишлоқ хўжалик техникумида ўқиган, 1982-1984 йиллар харбий хизматда, 1990-96 йиллар СамДУда ўқиган, 1986 йилдан собиқ комсомол ташкилотда ишлаган, 2002 йилдан СамДАҚИда ишлаб келмоқда.




26. У.М.ИСТАМОВА. Кафедрада кабинет мудираси. 1956 йилда туғилган. 1996 йилдан hozirga қадар кафедрада самарали меҳнат қилиб келмоқда.

27. Ф.Ш.АХАДОВ. Кафедрада лаборант. 1976 йилда туғилган. Hozirga қадар 6-та илмий мақолалари чоп этилган.

«ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР» КАФЕДРАСИ ФАОЛИЯТИ ФОТО
ЛАВХАЛАРДА
КАФЕДРА ВА ЎҚУВ КАБИНЕТИ














НАМУНАВИЙ ДАСТУР ВА ЎҚУВ АДАБИЁТЛАРИ



КАФЕДРА АЪЗОЛАРИ ТОМОНИДАН ТАЙЁРЛАНГАН ЎҚУВ-
УСЛУБИЙ АДАБИЁТЛАР





ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН МАТЕРИАЛЛАРИ







МАЪРУЗА МАТНЛАРИ ВА ЎҚУВ ҚУЛЛАНМАЛАРИ



М







МУСТАҚИЛ ИШЛАШ, КОНСУЛЬТАЦИЯ ВА СУХБАТЛАР





МУЛОҚАТ ВА МУНОЗАРАЛАР





ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБАЛАР БИЛАН ИШЛАШ



Умуман олганда «Ижтимоий фанлар» кафедрасига таалуқли қисмини яқунлар эканмиз, шуни таъкидлаш лозимки жамиятшунослик “Ижтимоий фанлар” кафедраси «нима қилди улар?» - деган саволига – Улар 40-йил ичида халқимиз фарзандларини Ватанга садоқатли, ватанпарвар қилиб, маънавий, маърифий ва ғоявий жиҳатдан баркамол, билим, савия ва ижтимоий онглилик жиҳатидан етук мутахассис инженер кадрлар қилиб тарбиялашда самарали илмий, амалий фаолият кўрсатдилар, - деб жавоб берсак ҳақиқатга яқин бўлиб, жамиятшунослар кўнглидаги фикрни айтган бўламиз.

Х У Л О С А

Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд Давлат Архитектура – Қурилиш институти ва «Ижтимоий фанлар» кафедрасининг босиб ўтган 40 йиллик тарихий йўлини ёзиб, яқунлаб фикран ҳаёлда ўйлаб тафаккурона хулоса қилинар экан, бевосита ҳар қандай қийинчиликларни, тўсиқ-бузғунчиликларни енгиб, янада тараққий этиши учун ахиллик, бирлик, ўзаро ёрдам, дўстлик ришталари қанчалик мустаҳкам бўлса шунчалар юксакроқ, кенгроқ мохияти, мазмуни жихатидан самаралироқ бўлишига ишонч ҳосил қиласан киши. Шу билан бирга қанчалик ахилликда ютуқлар қўлга киритилмасин айрим бузғунчи ифвогарнинг кичик кўзга илғамас ҳадди-ҳаракати билан ҳам ахилликка аста-секин раҳна солина бориши ва уларга ўз вақтида зарба берилмаса, улар тобора кучга айлана бориши, унинг натижасида оз бўлсада нияти бузуқлар кичик гуруҳга айланиб ахиллик натижасида қўлга киритилган ютуқларга дастлаб тўсиқ ва аста-секин қаттиқ зарба бериши, ахилликда ишлаётганлар ўртасида ботинан ишончсизлик ҳолатини юзага келтирилиши ва унинг оқибатида жамоада инқирозли вазият вужудга келиши табиийдир. Шу сабабли кафедрада ахиллик, бирлик, ўзаро ишонч қанчалик кучли бўлса, ютуқлар шунчалик самарали бўлади. Келажакда кафедрамиз жамоасида бир бирига ишонч, ахиллик, бирлик бўлишига ишончимиз комилдир.

Муаллиф Ш. АХАДОВ

“Ижтимоий фанлар” кафедрасининг 40 йиллик тарихи. («Тарихий очерк») (1966-2006)

Нашр учун маъсул: А. Зиётова
Тахририят мудири: А.Зиётова, М.С.Шомурадова
Бадий мухаррир: М.Ибрагимова
техн. мухаррирлар: Фурқат Ахадов, Умаро Истамова
Мусахҳих:

Ушбу тарихий очерк ижтимоий-гуманитар фанлари методологик семинари Кенгашида 2005 йил 12 июнида, Самарқанд Давлат архитектура-қурилиш институти Илмий Кенгашида 2005 йил 27 август 1 сон мажлисида муҳокама этилиб, фойдаланиш учун чоп этишга тавсия этилган.

Теришга берилди: 2007 йил январ
Босишга рухсат этилди: 2007 йил июн
Босма табоқ – 3
Нашриёт манзили: Самарқанд шаҳри, Лолазор кўчаси 70 уй.
СамДАҚИ босмахонаси
500 нусха. Баҳоси эркин нарҳда
Самарқанд - 2007 йил.